

«Ҳилол-Нашр» Истанбулда ўтаётган халқаро ноширлар дастурида иштирок этмоқда



09:22 / 07 март 495

«Ҳилол Нашр» нашриёти Истанбул шаҳрида ўтказилаётган 9-халқаро Истанбул ноширлар ҳамкорлик дастурида иштирок этмоқда. Дастурга дунёнинг 93 мамлакатидан 290 дан ортиқ нашриёт уйлари ва китобларни бошқа тилларда нашр қилиш ҳуқуқини сотувчи агентликлар вакиллари иштирок этмоқда.

Дастурда бутун дунёдан келган ноширлар ташкилотчилар томонидан яратилган платформа орқали олдиндан учрашувлар белгилаб олиб, дастур давомида юзма-юз ёки онлайн шаклда учрашиб ўзаро келишувлар қилишади. Платформада барча иштирокчи нашриётлар ва агентликлар ҳақида маълумотлар бор — уларнинг каталоглари, сайтлари, чиқарадиган китоблари, йўналишлари ва бошқалар.

Ноширлар бу дастур орқали ўзлари нашр қилаётган китобларни таржима қилиб бошқа тилларда нашр қилиш ҳуқуқини сотишади ёки бошқалардан сотиб олишади. Бошқача айтганда, дастур орқали дунёнинг қаерида қандай китоб чиқаётганини билиш ва уларнинг ҳуқуқини сотиб олиб ўз тилингизда нашр қилишингиз мумкин. Ажойиб эмасми, 2023 йилда Англия ёки Германияда нашр қилинган зўр бир китобни 2024 йилда ўзбек тилига таржима қилиб нашр қилиш имконияти бор бугун.

«Хилол-Нашр» айти дастур доирасида ўзбек тилида нашр қилиш учун ҳуқуқини олган «Халоват излаган қалблар» китобини тез орада ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади.



